

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ДАЪВО ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШНИНГ АЙРИМ ИНСТИТУТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Асқар Мамараимов

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов

академияси мустақил изланувчиси,

Сурхондарё вилоят суди судьяси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18713256>

Аннотация: иқтисодий судларда даъво тартибида иш юритишда муҳим аҳамиятга эга бўлган процессуал институтлардан бири ҳисобланган даъво аризаси юзасидан ёзма фикр бўйича процессуал қонунчиликда белгиланган нормалар мазкур институтдан самарали фойдаланиш имконини бермайди ва уни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Шунингдек, процессуал қонунчиликда суд мажлиси вақтида тартиб бузилган тақдирда, раислик қилувчи тартибни бузган шахсни суд номидан огоҳлантириши, тартиб такроран бузилган тақдирда, мазкур шахс раислик қилувчининг фармойиши билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкинлиги белгиланган бўлса-да, ушбу процессуал мажбурлов чоралари кодексда алоҳида бобда процессуал жиҳатдан мустаҳкамланмаган, бундай чоралар қўлланилиши мумкин бўлган ҳаракатлар ва шахслар доираси аниқ белгиланмаган.

Калит сўзлар: даъво тартибида иш юритиш, даъво аризаси юзасидан ёзма фикр, процессуал мажбурлов чоралари, огоҳлантириш, суд жаримаси, суд залидан чиқариб юбориш, мажбурий келтириш, маъмурий жавобгарликка тортиш.

Иқтисодий судларда даъво тартибида юритиладиган ишлар ҳуқуқни суд йўли билан ҳимоя қилишнинг энг кенг тарқалган усулларида бири сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Даъво бу - судга мурожаат қилишнинг процессуал шакли бўлиб, иқтисодий судларга мурожаат қилаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши натижасида ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш (тиклаш) мақсадида вужудга келадиган жараён ҳисобланади. Даъво бугунги кунда ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг универсал воситаси ҳисобланади. Даъвони ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситаси сифатида қўллаш самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу процессуал институтнинг кейинги назарий ва амалий ривожланишига боғлиқ.

М.Каландарованинг таъкидлашича, даъво тақдим этиш – иш юритишни кўзғатишга қаратилган процессуал ва фактик ҳаракатларнинг мажмуидир.¹

Ҳуқуқшунос олим Ф.Отахоновга кўра, ҳўжалик ишлари бўйича даъво икки маънода тушунилиб, моддий-ҳуқуқий маънодаги даъво даъвогарнинг жавобгарга нисбатан муайян низоли моддий ҳуқуқий талаб, масалан пул ундиришни англатса, процессуал-ҳуқуқий маънодаги даъво деганда даъвогарнинг судга мурожаат этиш ҳуқуқи тушунилади.²

Даъво тартибида кўриладиган ишлар ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан иқтисодий суд ишларини юритишнинг бошқа турларидан фарқ қилади:

¹ Иқтисодий процессуал ҳуқуқ. Дарслик/ З.Эсанова, Д.Хабибуллаев ва б.; – Тошкент.: ТДЮУ, 2024. – 169 б.

² Отахонов Ф.Х., Бурханходжаева Х.В., Мирдадаева М. Ҳўжалик процессуал ҳуқуқи. – Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент юридик коллежи, 2006. – 67 б.

► мазкур тоифадаги ишларда даъвогар ва жавобгар ҳамда айрим ҳолларда учинчи шахслар ҳам иштирок этади;

► тарафлар фуқаролик ишини ўзаро келишув битими ёки медиатив келишув тузиш орқали тугатишга эришишлари мумкин бўлади;

► иқтисодий суд ишларини юритишнинг муҳим институтлари ҳисобланган даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш, даъвони таъминлаш, қарши даъво қўзғатиш кабилар айнан мазкур суд ишларини юритиш жараёнида қўлланилади.

Бугунги кунда иқтисодий судлар томонидан мазмунан кўрилиб, ҳал этилаётган ишларнинг аксарият қисмини даъво тартибида кўрилаётган ишлар ташкил этмоқда.

Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, 2025 йилда кўриб тамомланган жами 689 104 та ишларнинг 529 940 таси ёки 76,9 фоизини банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш билан боғлиқ ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризалардан иборат эканлиги инобатга олинса, қолган 159 164 та ишларнинг 123 768 таси ёки 77,7 фоизини даъво тартибида кўрилган ишлар ташкил қилиши иқтисодий судлар томонидан мазмунан кўрилаётган ишлар ичида даъво тартибида юритиладиган ишлар салмоқли эканлигидан далолат беради.³

Даъво тартибида юритиладиган ишлар умумий ишлар сонининг аксарият қисмини ташкил этиши ҳамда иқтисодий судларда низолашувчи тарафлар асосан даъво қўзғатиш йўли билан ўзларининг бузилган ёки низолашиладиган ҳуқуқларини ҳимоя қилишларини эътиборга олган ҳолда, даъво тартибда иш юритишнинг айрим институтларини такомиллиштириш лозим бўлади.

Иқтисодий судларда биринчи инстанцияда даъво тартибида иш юритишда муҳим аҳамиятга эга бўлган процессуал институтлардан бири бу – **даъво аризаси юзасидан ёзма фикр** бўлиб ҳисобланади.

Даъвогардан даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар нусхаларини олган жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тайёрланиши, унда даъво аризасида келтирилган даъво талабларининг тўлиқ ёки қисман тан олиниши, даъво талабларига нисбатан эътироз мавжуд бўлган ҳолатларда эса, эътирозни тасдиқловчи ва асословчи ҳужжатларнинг даъвогарга ва ишни мазмунан кўриб чиқаётган иқтисодий судга юборилиши биринчи инстанция суди томонидан иш ҳолатлари ишга алоқадор барча ҳужжатлар асосида атрофлича ўрганилган ҳолда, қонуний ва асослантирилган суд ҳужжатлари қабул қилинишида муҳим аҳамиятга эга.

Биринчи инстанция судида даъво аризаси юзасидан ёзма фикр институтидан самарали фойдаланиш тарафларнинг низони келишув битими ёки медиатив келишув тузиш йўли билан ўзаро ҳал этиш имкониятларини эрта босқичда аниқлаш ва бунинг учун уларга имкон бериш, суд қарорларининг юқори инстанцияларда ўзгартирилиши ёки бекор қилинишининг олди олинишини таъминлайди ва шу орқали шахсларнинг одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда ИПК деб юритилади)нинг даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим қилиш тартиби назарда тутилган 156-моддасида ишда иштирок этувчи шахс даъво аризаси юзасидан даъвога қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ёзма

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судлар фаолияти бўйича статистик кўрсаткичлари <https://stat.sud.uz/economical>

фикрини ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ёзма фикрининг ҳамда уларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далилларни иш кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай судга юборишга ҳақлилиги, даъво аризаси юзасидан ёзма фикрда ишда иштирок этувчи шахснинг ёки унинг вакилининг почта манзили, телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили (агар улар мавжуд бўлса) кўрсатилиши, даъво аризаси бўйича ёзма фикр ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланиши, вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга унинг иш юритишга доир ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилиниши белгиланган.⁴

Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр бўйича процессуал қонунчиликда белгиланган ушбу нормалар мазкур институтдан самарали фойдаланиш имконини бермайди ва уни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Жумладан, ИПКда даъво аризаси юзасидан айнан жавобгар томонидан ёзма фикр берилиши шартлиги қатъий белгиланмаганлиги, ёзма фикрнинг шакли ва мазмуни бўйича аниқ нормаларнинг мавжуд эмаслиги, ёзма фикрни даъвогарга, судга ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юбориш тартибига қўйилган талаблар аниқлаштирилмаганлиги, ёзма фикр тақдим қилишнинг жавобгарга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга тушунтирилиши механизми мавжуд эмаслиги сабабли ИПКнинг ушбу моддасини такомиллаштириш ва янги таҳрирда қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

М.К.Треушниковнинг таъкидлашича, даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим қилиш жавобгарнинг ҳуқуқи бўлиб қолмасдан, балки унинг мажбурияти ҳисобланади.⁵

Бу борада айрим хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодекси 131-моддасида даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тартибга солинган бўлиб, унда даъво аризаси юзасидан ёзма фикрни даъвогарга ва судга тақдим қилиш жавобгарнинг мажбурияти, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг эса ҳуқуқи ҳисобланиши, ёзма фикрнинг шакли ва мазмунига қўйилган талаблар, уни юборишнинг аниқ тартиби ва муддатлари каби муҳим масалалар ўз аксини топган.⁶

Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр институтидан самарали фойдаланиш бўйича юқоридаги каби нормаларни Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 113-моддаси⁷, Озарбайжон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 154-моддаси⁸, Беларусь Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 166-моддасида⁹, Тожикистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 130-моддаси¹⁰ да ҳам учратиш мумкин.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. –Тошкент. Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. 2024.

⁵ Арбитражный процесс: Учебник / Под ред. проф. М.К.Треушникова. М.: “Городец”», 2007. – С 167.

⁶ Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации. [https:// www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800)

⁷ Гражданский процессуальный кодекс Китайской Народной Республики https://cnlegal.ru/china_civil_procedure_law_2021.

⁸ Гражданский процессуальный кодекс Азербайджанской Республики <https://continent-online.com/Document/id=30420065>.

⁹ Хозяйственный процессуальный кодекс Республики Беларусь. <https://studfile.net/preview/1725507/>.

¹⁰ Экономический процессуальный кодекс Республики Таджикистан. <http://portali-huquqi.tj/publicadliya/id=21839>;

Юқоридагилардан келиб чиқиб, даъво аризаси юзасидан ёзма фикр институтидан самарали фойдаланилишини таъминлаш ва унинг иқтисодий суд ишларини юритишдаги самарадорлигини ошириш мақсадида ИПК 156-моддасини қуйидаги тахрирда баён қилиш таклиф этилади:

“156-модда. Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр

Жавобгар даъво аризаси юзасидан ўзига нисбатан билдирилган даъво талабидаги ҳар бир важга нисбатан эътирозлари баён қилинган ёзма фикрни судга тақдим қилиши, даъвогарга ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юбориши шарт. Ёзма фикр ва унга илова қилинган ҳужжатлар судга қоғоз шаклида ёки электрон ҳужжат кўринишида тақдим қилиниши мумкин.

Иқтисодий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари ҳам ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда даъво аризаси юзасидан ўзларининг ёзма фикрларини судга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборишга ҳақли.

Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр судга ва ишда иштирок этувчи шахсларга суд муҳокамаси бошлангунга қадар ёзма фикр билан танишиш имконияти таъминланадиган муддатда юборилади. Ёзма фикр юбориш тартиби ва муддати суднинг даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажримда кўрсатилади.

Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр жавобгар томонидан судга, даъвогарга ва ишда иштирок этувчи шахсларга қоғоз шаклида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки ушбу шахсларга тилхат олиб топширилади. Ёзма фикр электрон ҳужжат кўринишида қабул қилинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилиши мумкин.

Суд жавобгар томонидан белгиланган муддатда даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим қилинмаганда, ишни иш бўйича тўпланган мавжуд далиллар асосида кўриб чиқиши ёки ёзма фикр тақдим қилинмаган ҳолда ишни кўриш мумкин бўлмаганда, уни тақдим қилиш учун янги муддат белгилаши мумкин. Бунда жавобгар томонидан ўзининг процессуал мажбурияти бажарилмаганлиги суд муҳокамасининг асоссиз чўзилиши ва иш юзасидан қонуний ва асосли суд ҳужжати қабул қилиниши кейинга қолдирилишига сабаб бўлганлигини инобатга олган ҳолда суд, ишнинг натижасидан қатъи назар суд харажатларини жавобгар зиммасига юклаши мумкин.

Даъво аризаси юзасидан ёзма фикрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;*
- 2) даъво талабларидаги ҳар бир важга нисбатан эътирозлар ҳамда эътирозга асос сифатида келтирилаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;*
- 3) даъво талабларига нисбатан эътирозларни асословчи ёзма, ашёвий, рақамли ва бошқа далиллар;*
- 4) жавобгар томонидан низони судгача ўзаро ҳал этишга қаратилган чоралар (агар бундай чоралар кўрилган бўлса) кўрилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;*
- 5) низони ўзаро келишув йўли билан ҳал этиш имкониятлари ҳақида жавобгарнинг фикри;*
- 6) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.*

Даъво аризаси юзасидан ёзма фикрда жавобгарнинг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон почта манзили, шунингдек ишни ўз вақтида ва тўғри ҳал этилиши учун зарур бўладиган бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр жавобгар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга унинг иш юритишга доир ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади”.

Сўнгги йилларда иқтисодий судларда кўрилатган ишлар тоифалари бирмунча мураккаблашиб, нафақат юридик шахслар ўртасидаги олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, қарз, кредит ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар, балки корпоратив, инвестициявий низолар, рақобатга оид ишлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар иштирокидаги ҳамда жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги ишларни мазмунан кўришда юридик шахслар билан биргаликда жисмоний шахслар ҳам иқтисодий суд ишларини юритишда тараф сифатида фаол иштирок этмоқда.

Ишларни суд муҳокамасида кўриш жараёнида аксарият ҳолларда суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида ИПКда белгиланган тартибда хабардор қилинган, иш бўйича тараф ҳисобланган жисмоний шахслар, баъзида юридик шахс раҳбарлари ёки ваколатли вакиллари, шунингдек гувоҳлар ҳам суд мажлисига узрли сабабларсиз иштирок этмайди ҳамда судга даъво талаблари юзасидан асослантирилган эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга тақдим қилмайди.

Табиийки, низоли ишда барча тарафларнинг тўлиқ иштирок этмаслиги ва ишга алоқадор барча далилларнинг судга тақдим қилинмаслиги суд томонидан иш ҳолатларининг атрофлича ўрганилмаслигига ҳамда ўз навбатида тарафларни қониқтирмайдиган якуний суд ҳужжати қабул қилинишига, қолаверса жисмоний ва юридик шахсларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончига путур етишига олиб келади.

Бугунги кунда иқтисодий судларда биринчи инстанцияда иш кўришда судьялар томонидан маълум шахснинг ишда иштирок этиши шарт деб ҳисобланган ҳолатда ҳам юқоридаги каби муаммоли вазиятга дуч келинганда, процессуал қонунчиликда шахсларнинг суд мажлисида иштирокини таъминлашнинг етарли механизмлари мавжуд эмаслиги сабабли иш бўйича тўпланган мавжуд далиллар асосида қарор қабул қилинмоқда ва кўпинча якуний суд ҳужжатида ИПК 68-моддасига асосан ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши кераклигини кўрсатиб ўтиш билан кифояланишмоқда.

Суд тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда иқтисодий низолар тоифаларининг мураккаблашуви шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда уларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида иқтисодий суд ишларини юритишда процессуал мажбурлов чораларини ҳам такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Миллий процессуал қонунчиликда мажбурлов чоралари институтининг такомиллаштирилиши иқтисодий судларда биринчи инстанцияда, асосан даъво тартибидаги ишларни юритишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, иш ҳолатлари атрофлича ўрганилиб,

асослантирилган суд қарорлари қабул қилиниши билан бирга, суднинг нуфузи оширилишини таъминлайди.

Амалдаги ИПКнинг 14-боби 125-126-моддаларида суд жарималари солиш ва суд жаримаси солиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тартиби баён қилинган.

ИПК 167-моддасининг тўртинчи қисмида мажлис вақтида тартиб бузилган тақдирда, раислик қилувчи тартибни бузган шахсни суд номидан огоҳлантириши, тартиб такроран бузилган тақдирда, мазкур шахс раислик қилувчининг фармойиши билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкинлиги белгиланган бўлса-да, ушбу процессуал мажбурлов чоралари кодексда алоҳида бобда процессуал жиҳатдан мустаҳкамланмаган, бундай чоралар қўлланилиши мумкин бўлган ҳаракатлар ва шахслар доираси аниқ белгиланмаган.

Юқорида таъкидланганидек, ишда иштирок этувчи жавобгар, гувоҳ ва бошқа шахслар судга келишдан қасддан бўйин товлаган тақдирда, уларни судга мажбурий келтириш процессуал қонунчиликда назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, ИПК 5-моддасининг тўртинчи қисмида қонунчилик билан судларнинг ваколатига берилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилиниши, 200-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмларида ишни кўришда мансабдор шахснинг ёки фуқаронинг хатти-ҳаракатларида, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланса, агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш қонунда суднинг ваколатига берилган бўлса, суд уларни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиши, маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида суд қарор қабул қилиши белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 180-моддасида судга ҳурматсизлик қилганлик бўйича қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бевосита иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланган бўлса-да, ИПКда маъмурий жавобгарликка тортиш асослари ва процессуал тартиби баён қилинган алоҳида норма мавжуд эмас.

Процессуал қонунчиликдаги айнан юқорида санаб ўтилган ҳолатлар иқтисодий судларда биринчи инстанцияда иш юритиш жараёнида маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш, уни мазмунан кўриб чиқиш ва жазо тайинлаш, шунингдек суд жарималарини солиш ва уларни ундиришда турлича амалиёт шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Бу борада айрим хорижий давлатлар процессуал қонунчилиги миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил қилинганда, уларнинг қонунчилигида процессуал мажбурлов чоралари бирмунча батафсил ёритилганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, Германия Федератив Республикаси Фуқаролик процессуал қонунлар тўпламининг 380-моддасида суд муҳокамаси тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган ва суд мажлисига узри сабабларсиз келмаганлиги учун суд жаримаси қўлланилган гувоҳ суд мажлисига такроран келмаган тақдирда, суд гувоҳни мажбуран келтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинлиги белгиланган.¹¹

¹¹ Гражданское процессуальное уложение Германии: Вводный закон к Гражд. процессуальному уложению – 2 -е изд., перераб. <https://ibooks.ru/products/351404>.

Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг фуқаролик процессуал ҳуқуқбузарликлар учун мажбурлов чораларига бағишланган 10-боби 100-моддасида суд мажлисида иштирок этиши шарт бўлган жавобгар суд чақирув қоғози орқали икки маротаба чақирилганида, узрли сабабларсиз судга келмаган тақдирда, халқ суди томонидан мажбурий келтирилиши мумкинлиги, 101-моддасида ишда иштирок этувчи шахслар ва суд мажлисининг бошқа иштирокчилари суд мажлиси залидаги тартибни бузган ҳолларда, тартибга чақирилиши, жаримага тортилиши ёки суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши, суд мажлиси залига бостириб кирганда, суд мажлиси иштирокчилари, судья ва суд ходимларини ҳақорат қилганда, суднинг қарори билан ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олиниши, 105-моддасида мажбурий келтириш, жарима, маъмурий қамоқ халқ суди раисининг рухсати билан қўлланилиши, мажбурий келтириш тўғрисида суд томонидан ордер берилиши назарда тутилган.¹²

Процессуал мажбурлов чоралари алоҳида норма сифатида мустақамланганлиги ва иқтисодий суд ишларини юритишда мажбурий келтириш институтидан самарали фойдаланилишини Беларусь Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 179-моддаси¹³ ҳамда Қирғизистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 170-моддаси¹⁴ да ҳам кузатиш мумкин.

Миллий процессуал қонунчиликда турдош соҳа ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 14-боби “Процессуал мажбурлов чоралари” деб номланган бўлиб, 143-150-моддаларида мажбурий келтириш, огоҳлантириш, суд мажлиси залидан чиқариб юбориш, суд жаримаси, маъмурий жавобгарликка тортиш каби процессуал мажбурлов чораларининг тавсифи, қўлланилиши ва миқдорлари, қўлланиладиган шахслар доираси ҳамда ижрога қаратиш тартиби батафсил баён қилинган.¹⁵

Юқоридагиларга асосан, иқтисодий судларда биринчи инстанцияда иш юритиш самарадорлигини ошириш ҳамда процессуал мажбурлов чоралари институтини такомиллаштириш мақсадида ИПКнинг 14-бобининг номи ҳамда 125-126-моддаларини қуйидаги таҳрирда баён этиш ва қуйидаги мазмундаги 125¹-125⁶-моддалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

“14-боб. Процессуал мажбурлов чоралари

125-модда. Процессуал мажбурлов чораларининг турлари

Процессуал мажбурлов чоралари жумласига қуйидагилар киради:

- 1) мажбурий келтириш;
- 2) огоҳлантириш;
- 3) суд мажлиси залидан чиқариб юбориш;
- 4) суд жаримаси.

¹² Гражданский процессуальный кодекс Китайской Народной Республики <https://cnlegal.ru/china civil procedure law 2021>.

¹³ Хозяйственный процессуальный кодекс Республики Беларусь. <https://studfile.net/preview/1725507/>.

¹⁴ Гражданский процессуальный кодекс Кыргызской Республики // Document/?doc_id=33430670

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. –Тошкент. Адлия вазирлиги. Адолат. 2022.

Шахсга нисбатан процессуал мажбурлов чораларининг қўлланилиши уни ушбу Кодексда белгиланган ёки суд томонидан зиммасига юклатилган тегишли мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

125¹-модда. Мажбурий келтириш

Суд муҳокамасида иштирок этиши суд томонидан шарт деб топилган, тегишли тарзда хабардор қилинган шахс судга узрсиз сабабларга кўра келмаса ёхуд келмаганлиги сабабларини маълум қилмаса, суд томонидан унга нисбатан мажбурий келтириш тўғрисида ажрим чиқарилиши мумкин. Мазкур ажримнинг ижроси ҳудудий ички ишлар органининг зиммасига юклатилади. Мажбурий келтириш билан боғлиқ харажатларни ундириш ушбу Кодексда белгиланган тартибда ҳудудий ички ишлар органининг тегишли аризасига асосан амалга оширилади.

Мажбурий келтириш вояга етмаганларга, ҳомиладор аёлларга, касаллиги, ёши ёки бошқа узрли сабабларга кўра суд мажлисига кела олмайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги суд ажримида ушбу Кодекснинг 196-моддасида назарда тутилган маълумотлардан ташқари шахс мажбурий келтирилиши лозим бўлган сана, вақт ва жой, шунингдек мажбурий келтириш қайси ҳудудий ички ишлар органига топширилганлиги кўрсатилади.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги суд ажрими дарҳол ижро этилиши лозим ва иш юритиладиган жойдаги ёки мажбурий келтирилиши керак бўлган шахснинг яшаш жойи, турган жойи (жойлашган ери), иш, хизмат ёхуд ўқиш жойидаги ҳудудий ички ишлар органига ижро учун юборилади.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги суд ажрими устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) унинг ижросини тўхтатмайди.

125²-модда. Огоҳлантириш ва суд мажлиси залидан чиқариб юбориш

Суд муҳокамаси вақтида тартибни бузган шахсни раислик қилувчи суд номидан огоҳлантиради.

Суд мажлисида тараф ёки учинчи шахс тартибни бузган тақдирда, суд тартиббузарни ишни кўришнинг бутун вақтига ёхуд унинг бир қисмига суд мажлиси залидан чиқариб юборади. Вақтинча чиқариб юборилган шахс суд мажлиси залига қайтадан қўйилганда, раислик қилувчи уни залда йўқ бўлганда амалга оширилган процессуал ҳаракатлар билан таништиради. Суд мажлисида ҳар икки тараф ёки учинчи шахслар тартибни бузган тақдирда, суд ишнинг муҳокамасини кейинга қолдириши мумкин.

Ишда иштирок этаётган шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар тартибни такроран бузган тақдирда суднинг ажримига биноан, суд мажлиси залида ҳозир бўлган бошқа фуқаролар эса раислик қилувчининг фармойиши билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкин. Фуқаролар оммавий тарзда тартибни бузган тақдирда суд иш муҳокамасини кейинга қолдириши мумкин.

Прокурор ёки адвокат раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаган тақдирда, улар огоҳлантирилади. Мазкур шахслар раислик қилувчининг фармойишларига такроран бўйсунмаганда, агар уларни ишга зарар етказмаган ҳолда бошқа шахс билан алмаштиришнинг имкони бўлмаса, ишни кўриш суднинг ажримига биноан кейинга қолдирилиши мумкин. Суд бир вақтнинг ўзида хусусий ажрим

чиқаради, ушбу ажрим тегишинча юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига юборилади.

125³-модда. Суд жарималарини солиш тартиби

Суд жарималари ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда солинади.

Фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача, юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда суд жаримаси солинади.

125⁴-модда. Суд жаримасини ундириш

Суд жарималари давлат даромадига ундирилади.

Суд томонидан давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва бошқа органларнинг, ташкилотларнинг мансабдор шахсларига солинган суд жарималари уларнинг шахсий маблағларидан ундирилади.

125⁵-модда. Жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтириш

Жарима солинган шахс жарима солган суддан жаримадан озод қилишни ёки унинг миқдорини камайтиришни суд ажримининг кўчирма нусхасини олганидан кейин беш кун ичида илтимос қилиши мумкин. Бу ариза жарима солинган шахсни хабардор қилган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ унинг судга келмаганлиги аризани кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

125⁶-модда. Суд жаримаси солиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тартиби

Суд мажлисида ҳозир бўлган шахсга нисбатан суд жаримасини солиш ҳақидаги масала шу суд мажлисида ҳал этилади.

Суд мажлисида ҳозир бўлмаган шахсга нисбатан суд жаримасини солиш ҳақидаги масала бошқа суд мажлисида ҳал этилади. Ўзига нисбатан суд жаримаси солиш тўғрисидаги масала кўрилаётган шахс суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодекснинг 127-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилинади. Тегишли тарзда хабардор қилинган шахснинг келмаганлиги суд жаримаси солиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Суд жаримаси солиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Суд жаримасини солиш тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси дарҳол жарима солинган шахсга юборилади.

Суд жаримасини солиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Суд жаримасини солиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят (протест) берилиши ажримнинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

126-модда. Маъмурий жавобгарликка тортиш

Суд мажлисида тартибни бузган ёки судга бошқача тарзда ҳурматсизлик билдирган шахс суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Судга ҳурматсизлик даъвогарнинг, жавобгарнинг, гувоҳнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки ушбу шахслар ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчининг фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси вақтида тартибни бузишида намоён бўлади.

Судга хурматсизлик кўрсатилганлиги факти аниқланганлиги тўғрисида ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилган суд мажлисининг ўзида алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кирмасдан судья (суд таркиби) томонидан ҳуқуқбузарга дарҳол эълон қилинади. Мазкур факт суд мажлиси баённомасида қайд этилади. Бунда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида алоҳида баённома тузилмайди.

Судга хурматсизлик кўрсатилганлиги факти аниқланган шахс, шунингдек ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ўз тушунтиришларини беришга ҳақли.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарор раислик қилувчи томонидан иш бўйича суд мажлиси тугагандан кейин алоҳида хонада (маслаҳатхонада) тузилиб, судья (суд таркиби) томонидан имзоланади.

Агар судга хурматсизлик суд мажлисида кўрсатилган ва ҳуқуқбузар суд мажлиси залини тарк этган бўлса, судга хурматсизлик суд мажлисидан ташқарида кўрсатилган бўлса, шунингдек суд мажлисига келишдан бош тортганлик аниқланса, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома судьянинг ёрдамчиси (катта ёрдамчиси) ёки суд раисининг ёхуд суд мажлисида раислик қилувчининг оғзаки фармойишига асосан бошқа суд ходими томонидан тузилади ва бу ҳақда ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада кўрсатилади.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ушбу суд томонидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда кўриб чиқилади”.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, иқтисодий судларда даъво тартибида иш юритишда ёзма фикр ва процессуал мажбурлов чоралари каби институтларнинг такомиллаштирилиши соҳада одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда жисмоний ва юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга хизмат қилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Иқтисодий процессуал ҳуқуқ. Дарслик/ З.Эсанова, Д.Хабибуллаев ва б.; – Тошкент.: ТДЮУ, 2024. – 169 б.;
2. Отахонов Ф.Х., Бурханходжаева Х.В., Мирдадаева М. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. – Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент юридик коллежи, 2006. – 67 б.;
3. Арбитражный процесс: Учебник 8-е изд. перераб. и доп./ А.В.Абсалямов, Д.Б.Абушенко и др.; под ред. д.ю.н. В.В. Яркова – М.: Статут, 2017. – 7-8 с.;
4. Арбитражный процесс: Учебник / Под ред.проф. М.К.Треушникова. М.: “Городец”, 2007. – С 167.
5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. –Тошкент. Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. 2024.;
6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. –Тошкент. Адлия вазирлиги. Адолат. 2022.;
7. Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800.;
8. Гражданский процессуальный кодекс Китайской Народной Республики <https://cnlegal.ru/china civil procedure law 2021>;
9. Гражданский процессуальный кодекс Азербайджанской Республики

<https://continent-online.com/Document/id=30420065>;

10. Хозяйственный процессуальный кодекс Республики Беларусь.

<https://studfile.net/preview/1725507/>;

11. Экономический процессуальный кодекс Республики Таджикистан. <http://portali-huquqi.tj/publicadliya/id=21839>;

12. Гражданское процессуальное уложение Германии: Вводный закон к Гражд. процессуальному уложению – 2 -е изд., перераб. <https://ibooks.ru/products/351404>;

13. Гражданский процессуальный кодекс Кыргызской Республики http://Document/?doc_id=33430670;

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Суд статистикасини тизимли таҳлил қилиш бўлими томонидан тайёрланган иқтисодий судларнинг 2024 йил ва 2025 йил давомидаги фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар тўплами // Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2024-2025 йй.;

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судлар фаолияти бўйича статистик кўрсаткичлари <https://stat.sud.uz/economical>.